

9- май - Хотира ва кадрлаш куни!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 7 май • №18 (1350)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш юзасидан билдирилган таклифларни инобатга олиб:

1. Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “тиббиёт бригадалари” фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб **10 мингта, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса яна қўшимча 10 мингта** ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев):

Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 июнга** қадар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликли-

никалари эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларнинг **янги-ланган штат нормативларини тасдиқласин;**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, **2021 йил 1 августга** қадар ўрта тиббиёт ходимлари мақомини ошириш нуқтаи назаридан уларнинг **малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослик йўналишларини кенгайтириш, лавозимларини, шунингдек, ўқув дастурлари ва режаларини** тўлиқ қайта кўриб чиққан ҳолда, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштирсин ҳамда уни **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ жорий қилсин.**

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг эҳтиёж мавжуд бўлган оғир шароитли туман (шаҳар) лар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари лавозимларига республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари, олий тиббиёт таълим муассасалари, улар хузуридаги клиникаларнинг **малакали раҳбар ходимлари ва мутахассисларини шартнома асосида му-**

айян муддатга жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу раҳбар ходимлар ва мутахассисларга асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини сақлаган ҳолда, улар жалб қилинган тиббиёт бирлашмаси раҳбари лавозимидаги ойлик иш ҳақини тўлиқ тўлаб берилишини, ушбу харажатлар ҳамда уларнинг уй-жой ижараси тўловларини Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар **маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан** қоплаб берилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган амалдаги **койкалар фондининг 10 фоизи** 2022 йил 1 январдан бошлаб, яна қўшимча **10 фоизи** 2023 йил 1 январдан бошлаб тўлов асосида тиббий хизматлар кўрсатишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланадиган койкалар фондига ўтказилади;

(Давоми 2, 3-бетларда ►)

Эътироф

ЭЛ АРДОҒИДА БЎЛГАН ФАХРИЙЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Эл-юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган нурунийлар хонадонимизнинг файзи, таянч тоғларимиз, устунларимиздир. Халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган галабага қўшган улкан ҳиссаси бизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларининг бардавонлигини таъминлаш, бугун сафларимизда турган уруш қатнашчиларини эъзозлаш қон-қонимизга сингиб кетган эзгу фазилатлардан. Бинобарин, Хотира ва кадрлаш куни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай инсонпарварлик ғоялари мужассам.

Президентимизнинг жорий йил 20 апрелдаги “Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони асосида Фарғона вилоятида ҳам уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари, байрам

совғалари тантанали равишда топширилмоқда. Фарғона вилояти Кува туманидаги Қайирма кишлоғида яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эргаш ота Тошбоев хонадони бугун меҳмонлар билан янада гавжум. Вилоят ҳокимлиги, сектор раҳбарлари, харбийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари мазкур хонадонда бўлиб, отахонга иззат-икром кўрсатди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Президентимизнинг байрам табригини ўқиб эшиттирди ва пул мукофоти, эсдалик совғаларини топширди.

Эргаш ота 1942 йил май ойида урушга кетиб, Польша,

(Давоми 3-бетда ►)



Электрон манзилимиз: uzss@yandex.ru

[@uzssgzt](https://www.instagram.com/uzssgzt)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ
ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР
ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

бундан бўшайдиган Давлат бюджети маблағлари туман (шаҳар) шифохоналарининг дори воситалари, ре-
активлар ва тиббиёт ускуналари таъминотини яхши-
лашга ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларида қўшимча
койка фондиди ташкил этишга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан
биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар 2022 йил учун,
2022 йил 1 октябрга қадар эса 2023 йил учун ҳар бир
туман (шаҳар) шифохоналари кесимида бўшайдиган
мблағлар ҳажмини ва уларни ишлатиш йўналишлари-
ни белгилаб берсин.

4. 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик иши
ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин
бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига
киритилсин.

Ҳамширалик иши фаолиятини амалга оширишга
ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ўрнатилган тартиб
билан бир қаторда қуйидаги талаблар белгилансин:

ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий
ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий
маълумотга эга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг те-
гишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб
рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошириши;

тиббий муолажалар мазкур Фармоннинг 1-банди
ўртинчи хатбошисига мувофиқ ўрта тиббиёт ходим-
лари мақомини оширишдан келиб чиқиб бажари-
лиши;

ҳамширалик иши фаолияти билан шуғулланаётган
шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини оши-
риб бориши.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ўрта тибби-
ёт ходимлари томонидан ўзини ўзи банд қилган ҳолда
ҳамширалик иши фаолиятини амалга ошириш тартиби-
ни тасдиқласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев)
2021/2022 ўқув йилидан бошлаб клиник ординатура
мутахассисликлари бўйича қабул квотасини икки ба-
раварга оширсин.

Бунда қуйидагиларни назарда тутувчи клиник ор-
динатурада ўқитишнинг янги тизими жорий этил-
син:

а) клиник ординатура ўқув даврининг иккинчи
йили ҳудудлардаги ихтисослашган тиббиёт марказла-
ри филиалларида, вилоят болалар ва катталар кўп тар-
моқли тиббиёт марказлари, Республика шошилич тез
тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилади, шу-
нингдек, маълум бир қисми иш жойида давом эттири-
лади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-
ши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томо-
нидан:

ҳудудга зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифо-
корларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджет-
дан етарли миқдорда грант ажратилади ҳамда маз-
кур грант асосида таълим олган битирувчиларга теги-
шли ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурия-
ти юклатилади;

ҳудудга фаолият юритиш учун юборилган тор му-
тахассисликдаги шифокорларнинг яшаш харажатлари
маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб бери-
лади.

6. 2021 йил 1 июлдан бошлаб нодавлат тиббиёт
ташкilotларига қуйидаги фаолият турлари билан
шуғулланишга рухсат берилсин:

махсус автотранспорт воситасида ташкил этила-
диган “мобиль тиббиёт” хизмати ёрдамида жойига
чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш;

нодавлат тиббиёт ташкilotининг ўрта тиббиёт хо-
димларидан иборат “тиббий пункт”ларини ташкил
этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Соғлиқ-
ни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур бандда
кўрсатилган чора-тадбирларни амалиётга тўлиқ жорий
этиш мақсадида нодавлат тиббиёт ташкilotлари учун
зарур шароитлар яратсин, улар ўртасида тушунтириш
ишларини олиб борсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги би-
лан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар бепул тиб-
бий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ордер бериш тизи-
мини ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жорий
этин. Бунда:

эктижманд оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона
реестри” ахборот тизимида мувофиқ аниқланиши;

имтиёзли тоифадаги шахслар учун Давлат бюдже-
ти маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар
рўйхати, тиббий хизматлар ҳажми ва тиббиёт муасса-
сининг даражаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги
томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда
белгиланиши;

имтиёзли тоифадаги шахсларга давлат томонидан
кафолатланган тиббий хизматлар ҳажми, тури ва касал-
ликлар рўйхатидан ташқари кўрсатиладиган тиббий ва
бошқа ёрдамлар қўшимча ҳисобланиши ҳамда улар то-
монидан белгиланган тартибда ҳақ тўланиши назарда
тутилсин.

Молия вазирлиги республика ихтисослаштирилган
тиббиёт марказларида бепул даволанишга ордерлар бе-
риш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти топ-
шириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш тадбирлари учун бюджет параметрла-
рида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йил-
да Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўшимча 80 милли-
ард сўм маблағ ажратсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигида Иқтидорли ва ма-
лакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувват-
лаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш
жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил
этилсин.

Жамғармани молиялаштириш манбалари этиб қуйи-
дагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари
маблағлари;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан
Жамғармага йўналтириладиган ажратмалар;

ҳалқаро молия ташкilotларининг грант маблағлари;
қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
сўровига асосан 2021 йилда Жамғармага 50 миллиард
сўмгача миқдорда маблағ ажратсин, 2022 йилдан бо-
шлаб эса зарур маблағларни Давлат бюджети параме-
трларида кўзда тутсин.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари таркиби
1-иловага мувофиқ тасдиқланадиган Ишчи гуруҳининг
қарорига асосан ҳудудий тиббиёт муассасаларига хо-
риждан ишга жалб қилинадиган малакали мутахассис-
лар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган
иктидорли мутахассисларга зарур шарт-шароитлар
яратиш, шу жумладан, уларни моддий рағбатланти-
риш тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ хара-
жатларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий
тиббиёт муассасаларига хориждан ишга жалб қилина-
диган малакали мутахассисларни тегишли маҳаллий
бюджетлар маблағлари ҳисобидан яшаш жойи билан
таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси
(кейинги ўринларда — Палата) 2021 йил 1 июлдан ун-
га Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва атте-
стациядан ўтказиш республика марказини қўшиб олиш
йўли билан қайта ташкил этилсин ҳамда Соғлиқни
сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Палата Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш
ва аттестациядан ўтказиш республика марказининг бар-
ча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича
ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва атте-
стациядан ўтказиш республика марказининг маблағла-
ри, мулки, шу жумладан, бино ва иншоотлари, авто-
транспорт воситалари, ускуна, техника ва инвентарла-
ри Палатага ўтказилади;

Палата раҳбарига, зарур ҳолларда, бюджетдан
ташқари маблағлар ҳисобидан шартнома асосида мута-
хассислар жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюдже-
ти маблағлари ҳисобидан сақланадиган бошқарув
ходимларининг умумий чекланган сони 110 та этиб
белгиланади.

10. Палатага қуйидаги қўшимча вазифалар юкла-
тилсин:

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестация-
дан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ўз мала-
каси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириб
боришини таъминлаш;

аттестациядан ўтказиш ва малака тоифалари бериш
жараёнига замонавий ахборот технологияларини жо-
рий этиш орқали унинг шаффофлигини таъминлаш.

11. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган
ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт хо-
димларининг салоҳиятини ошириш бўйича “Йўл
харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2021 йил 1 июлдан бошлаб тиббий техника,
тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини
рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Респу-
бликасида тан олинадиган хорижий ташкilotлар
рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур иловада кўрсатилган ташки-
лотларнинг талабларига асосан сертификатланган тиб-
бий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи
қисмлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат
рўйхатидан ўтказилишида лаборатория синовлари-
дан ўтказилмайди ҳамда ўрнатилган тартибда ўн беш
иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилади.

Давлат божхона қўмитаси (М.Б.Азимов) Фарма-
цевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Ўз-
стандарт” агентлиги, Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан бирга-
ликда мазкур бандда назарда тутилган тиббий техни-
ка, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини
ортиқча тўсиқларга йўл қўймасдан республика ҳуду-
дига олиб кириш устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармоннинг 3 ва
7-бандлари 26 та туман (шаҳар)ларда Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги
“Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фа-
олиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва
соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохот-
лар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармонида, Сирдарё ви-
лоятида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизи-
мини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий
суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий
этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сон қа-
рорида белгиланган хусусиятларни инобатга олган
ҳолда қўлланилиши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳуж-
жатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳуж-
жатлари 5-иловага мувофиқ 2021 йил 1 июлдан бошлаб
ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазир-
лик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддат-
да қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб
чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ва-
зирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров ҳамда соғ-
лиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А.Азизов “Элек-
трон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимлари ягона ком-
плексини жорий этиш ва кузатиб бориш, уларнинг бо-
шқа давлат органлари ахборот тизимлари билан инте-
грациясини таъминлаш, зарур бўлганда, қонунчиликни
такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ
ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР
ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

киритиш, шунингдек, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш аҳволи ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш юзасидан бевоқифа масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари

Л.Н. Тўйчиев, соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш. Иноятов, У. Ю. Собиров, Э.И. Баситханова, А.А. Азизов, А.В.Алимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

19. Ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва нагжали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомид-

динов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2021 йил 5 май

Эътироф

ЭЛ АРДОҒИДА БЎЛГАН
ФАХРИЙЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ
ТОПШИРИЛМОҚДА

◀(Давоми. Боши 1-бетда)

Милавица, Украина ва Беларусияда жанг қилган. Урушдан сўнг савдо соҳасида ишлаб, умр бўйи одамларга яхшилик қилишни ўзининг бурчи, деб билди. У қаерда ишлаганини, аввало, ҳалол бўлишга интилиди. Қалби пок одамнинг доимо йўли очик ва равон бўлишига ишониб яшади. 8 нафар фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли қилди. Бугун эса дуоғўй бўлиб, неваралар бағрида умргузаронлик қилмоқда.

– *Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, – дейди Эргаш ота. – Бизни эъзозлаганлар ҳеч қачон кам бўлмасин.*

Тошлоқ туманидаги “Қумқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи уруш қатнашчиси Рустам ота Акбаров нафақат кишлоқдошлари, балки туман аҳлининг ҳам фахри. 95 ёшли отахонни зиёрат қилувчи, унинг дуосини олувчиларнинг қадами узилмайди.

Рустам отага ҳам Президент

Шаҳар ва туманларда ана шундай тадбирлар давом этаётган бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари ҳамда юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ўғлонларнинг оилаларига эхтиром кўрсатилмоқда.

Маъсуджон Сулаймонов, Муқимжон Қодиров(сурат) ЎЗА

табриги етказилди ва совғалар берилди. Отахон урушга кетганида эндигина 18 ёшга тўлган эди, унинг ширин орзулари уруш деган бало туфайли тупроққа қорилди. Рустам ота урушнинг кулфат ва мусибатларини ёдга олганида, чуқур хўрсинади. Кўпчилик дўстларининг шу кунларга етолмаганидан афсус-надоматлар чекади, куйилади. Яратганга шукрки, онаси ва яқинларининг қилган дуолари ижобат бўлиб, у ажалнинг домидан соғ-омон Ватанига қайтди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, хурмат-эътибор топди. Отахон полиз маҳсулотлари етиштиришнинг миришқори. Айни кунларда томорқасида қовун экиб, парваришмоқда. У 1994 йилда “Жасорат” медали билан тақдирланган. Бугунги дорилармон кунларда, фароғатда ҳаёт кечираётган Рустам ота Акбаров тинчлик деган улугъ неъматнинг қадрига етмоқликни дастурхон атрофида фарзандларига, уни йўқлаб келганларга такрор-такрор уқтиради.

Мангу барҳаёт

МОҲИР РАҲБАР ВА ТАШКИЛОТЧИ ЭДИ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаган. Шунингдек, Ўзбекистон врачлар ассоциациясини ташкиллаштирган инсон, етук олим, соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, устоз, жамоат арбоби Абдулла Худайбергенов 1936 йил 15-апрелда Тўртқўл туманида туғилган.

У 1959 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини қизил диплом билан тугатиб, илк меҳнат фаолиятини Муйноқ тумани касалхонасида хирургия бўлими бошлиғи лавозимидан бошлади. Сўнгра, бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари вазфасига тайинланди. Бир йил ўтиб Абдулла Худайбергенов Республика биринчи сонли клиник шифохонасининг кон қўйиш бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Унинг меҳнатдаги талабчанлигини инobatга олган раҳбарият ёш шифокорни мазкур муассасанинг хирургия бўлимига раҳбарлик лавозимида ўтказди. Таъкидлаш муҳимки, ўз касбига садоқат билан ёндошган малакали мутахассис Абдулла Худайбергенов 1976 йилгача кўплаб шогирдларига ўзининг ибратли фаолиятларини ўргатди. Албатта, бундай устоздан тиббиёт сирларини пухта ўрганган ёш иқтидорли хирурглар сафи кенгайди. Улардан Мэлыс Кабулов, Базарбай Уразалиев, Шукурулла Алымов, Жаримбет Алланиязов, Татлымурат Қытайбеков, Минажатдин Аметов, Турдыбай Турдымамбетов, Махмуд Салиевлар устозлари каби халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб, қанчадан-қанча беморларга ҳаёт бахш этдилар. Абдулла Худайбергенов Москва, Санкт-Петербург, Харьков, Тошкент ва бошқа шаҳарларда малакасини оширди, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, 1976-йили тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси диссертациясини Москва шаҳрида муваффақиятли химоя қилди. 1968 йили

малакали хирург ўзи ишлаб келган Республика биринчи сонли клиник шифохонасида бош шифокор этиб тайинланди. Маҳоратли, талабчан ва ташкилотчи Абдулла Худайбергенов ўша йилларда собиқ иттифоқнинг Тиббиёт Фанлари академияси академиги, Россия Федерацияси бош хирург, бир неча чет элларнинг Илмий Академияларининг фахрий аъзоси эди.

У Республика биринчи сонли клиник шифохонасида раҳбарлик қилган йиллари аҳолига ихтисослаштирилган хирургик ёрдам кўрсатиш ва йўлланишни такомиллаштириш ва ривожлантиришга қатта эътибор қаратди. Бунинг нагжасида Республика клиникасида 40 ўринлик травматология, 30 ўринлик урология, 30 ўринлик ЛОР бўлимлари очилди. Мазкур муассаса республика учун интернатура-шифокорлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш марказига айлантирилди. Абдулла Худайбергенов 1976-йилдан 1981-йилгача Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаган пайтида даволаш ўринлари сони 1976 йилги 8850 тадан 1980 йилга келиб 10900 тага, шифокорлар сони 1779 тадан 2152 гача етти деган маълумотлар бор.

Илмий салоҳият эгаси Абдулла Худайбергенов 1991 йили тиббиёт фанлари доктори сўнгра профессор даражасига етди. У ҳар қандай масалани чуқур муҳокама қиладиган, фақат тиббиёт соҳаси эмас, балки, умумий инсонпарварлик маданият илмлардан хабардор зиёли инсон

Абдулла Худайбергенов Ўзбекистон тиббиётининг барҳаёт сиймосига айланган инсон. У қалбларимизда мангу яшайди.

Абдукарим Мамбеткаримов.
Ўзбекистон врачлар ассоциацияси
Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси.



сифатида давлат миқёсида фикрлайдиган раҳбар эди. Абдулла Худайбергенов билан сўнги 26 йил, яъни 1991-2017 йиллари у Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бошлиғи бўлган пайтда мен шу ассоциациянинг Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи бўлиб бирга фаолият юритдик. Албатта, бу ўтган даврлар мен учун тарихга айланди. Шундай инсон билан бир сафда ишлаганимдан фахрланаман. Ажойиб инсоннинг меҳнатлари юқори баҳолаиб, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир маротаба, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашига уч маротаба депутат этиб сайланди. Шунингдек, давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди. Абдулла Худайбергеновнинг умр йўлдоши Хатирна Садиқовна узоқ йиллар давомида Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш муассасаларида меҳнат қилиб келди. Улар оиласини шифокорлар сулоласи десак ҳам бўлади. Чунки фарзандлари Шухрат ва Замира ҳам ота ва она касбини улугълаб айни кунда халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилишмоқда.

● Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!

Сурхондарё вилояти:

ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир янгилик ва туб ўзгаришларнинг мазмун моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, буларнинг барчаси жамиятимиз таракқиёти ва инсон саломатлигига қаратилган хайрли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Аввало, Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизими фаолияти ҳамда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратаётган эътибори бундан мустасно эмас. 2020 йилнинг 12 ноябрида Президентимизнинг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши тизим фаолиятини янада ривожланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай экан, бундай қимматга эга меъёрий ҳужжатлар ижросини таъмин-

ушбу тадбирда иштирок этар эканмиз, ниҳоятда ўзининг нуфузи ва кенг қамровга эга бўлган саломатлик акциясининг инсонлар соғлиги учун ниҳоятда муҳим эканлигига гувоҳ бўлдик. Газетамизнинг ўтган сонидида мазкур мавзу бўйича тезкор ахборот берган эдик. Аҳамиятлиси шундаки, Юртбошимиз жойларда ихтисослашган ёрдам ва зарур бўлган тиббий хизматларни сифатли кўрсатиш ҳамда хонадонларда бўлиб, давога муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олишни бежизга айтмаган эканлар. Худди ана шундай жараёнларни кузатганимизда ҳаёлимизга беихтиёр “Инсонлари қадр топган юрт” деган фикр келди. **Азиз газетхон бир сўз билан айтганда, тиббиёт ходимлари меҳнатига**



лаш аввало, Соғлиқни сақлаш вазирлигига катта масъулият юклаши табиийдир. Мазкур ҳужжат қабул қилингандан буён соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолиятлар амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, 2021 йилнинг 10 февраль куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан илк бор Наманган вилоятига “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шиори остида саломатлик акциясига старт берилган эди. Мазкур саломатлик акцияси шу кунга қадар Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 25 апрелидан 1 майгача саломатлик акцияси мамлакатимизнинг узок ҳудудларидан бири Сурхондарё вилоятида ўтказилди. Биз

қанчалар тан берсак арзийди.

Сурхондарё вилоятида ўтказилган “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остидаги саломатлик акциясида иштирок этган соҳа ходимлари ҳамда ҳудуд аҳолисининг фикрларига эътибор қаратайлик.

Улуғбек Собиров, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раиси:

–Таъкидлашим муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остидаги саломатлик акцияси бугунга қадар Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтди. Акциянинг асосий мақсади, аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсати-

тиш, аҳолининг саломатлик ва касалланиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, гуруҳларга бўлинишининг тўғри олиб борилишини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳоли орасидан юқори замонавий тиббий ёрдамга муҳтож беморларни танлаб олиш ва зарур мутахассислар жалб этилган жойларда амалий тиббий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Сурхондарё вилоятида ўтказилган мазкур хайрли тадбирда вазирликнинг марказий аппарат ходимлари, 18 та Республика ихтисослашган марказлари ходимларидан 80 нафар, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалидан 15 нафар, вилоят тиббиёт муассасаларидан 80 нафар, жами 197

нафар мутахассислар иштирокида аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматида муҳтож ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилди. Албатта, вазирлик билан биргаликда кўрсатилаётган тиббий хизматнинг манзилли, мақсадли ҳамда юқори савияда ўтказилиши назоратга олинди ва мунтазам равишда таҳлил қилиб борилди. Бунинг баробарида, мутахассислар билан биргаликда маҳаллабай ва оилабай ишлаш тизими жорий этилиб, узок ва олис ҳудудлардаги хонадонларга ташрифлар уюштирилди. Шунингдек, тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишиб, ишларни самарали ташкил этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилиб борилди. Жорий йилнинг 25 апрелидан 1 май кунига қадар жами 721 та маҳалладаги 27 166 та хонадонга ташрифлар уюштирилиб, 41 750 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 36 818 нафарига амбулатор шaroитда, 2 703 нафарига туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида, 945 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 183 нафарига Республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди, 641 нафарига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Вилоят тиббиёт муассасалари куйидаги мураккаб жарроҳлик амалиётлари 31 та лапараскопик операциялар, 37 катаракта фактоэмюльсификацияси, 11 та тўр парда лазеркоагуляцияси ҳамда комбинацион флeбэктомия, лапараскопик холецистоэктомия каби мураккаб жарроҳлик амалиёти пойтахтлик ва маҳаллий мутахассислар билан бирга амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва вилоят мутахассис-

лар томонидан 2021 йилнинг 25 апрелидан 1 май кунигача Сурхондарё вилоятида 2 721 нафар бемор стационарга ётқизилди, 134 нафар беморларга мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Гувоҳи бўлганингиздек, Сурхондарё вилоятининг кўплаб фуқаролари Давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, улар имтиёзларига қараб тиббиёт ходимларидан бепул тиббий хизмат олиш имкониятига эга бўлдилар. Албатта, бу саломатлик акцияси юқорида айтиб ўтганимиздек, инсонлар соғлигига қаратилган экан, бунинг мунтазамлиги мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб давом этади.

Комил Абдвоҳидов, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

–Бугунги кунда вилоятимизда 721 та маҳалла, 480 минг 199 та хонадон, 589 минг 635 та оилада жами 2 миллион 681 нафар аҳоли истиқомат қилади. Президентимиз томонидан соҳага оид қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг мазмун моҳиятида инсон саломатлиги мужассам эканлигини кўраимиз. Албатта, ушбу меъёрий ҳужжатларни таъминлаш, аввало, ҳар бир тизим фаолиятида меҳнат қилаётган раҳбардан тортиб, ходимгача катта масъулият юклайди. Касбимиз тақозоси келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг асосий вазифамиз инсон саломатлигини асраш ва муҳофаза қилишдан иборатдир. Вилоятимизда бу борада кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Муаммо ва камчиликларга барҳам берилмоқда. Айниқса, вазирликнинг ташаббуси билан ташкил этилган, “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” вилоятимиз аҳли учун қувонарли ҳол бўлди. 25 апрелдан 1 майгача давом этган саломатлик акциясида пойтахтимиздан ташриф

• Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!

ҚАДРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ!

буюрган, малакали тиббиёт ходимлари ҳамда маҳаллий шифокорларимиз томонидан тадбирда белгиланган асосий мақсадлар амалга оширилди. Жумладан, аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга муҳтож ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларимиз-

лигини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. **Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Исмоил Юсупов билан сўхбатда бўлдик.**

–Туманимизда 395097 нафар аҳоли истикомат қилади. Улардан 18 ёшгача бўлганлар 147034 нафар, шундан 5 ёшгача болалар 47786 нафар, 1 ёшгача бўлган болалар 10487 нафар, туғиш ёшдаги аёллар эса 94352 нафар-

1690 нафар, сурункали буйрак касалликлар – 3612 та, асаб тизими касалликлари 3009 та, ҳокимият ходимлари 30 та, прокуратура 15 нафар 1-боскичда эмланадиган аҳоли контингенти рўйхати шакллантирилди ва Emlash.uz сайтига киритилди. Эмлаш учун марказлашган ҳолда 39 та махсус музлатгич билан таъминланди. Коронавирус инфекциясига қарши аҳолини эмлаш учун AstroZeneca вакцинаси вилоят Санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматидан олиб келинган, эмлаш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” “Ёшлар дафтари” рўйхатига киритилган фуқаролар тиббиётга муҳтожлиги бўйича сектор кесимида соғломлаштириш режаси ташкил этилиб беморларни амбулатор, туман тиббиёт бирлашма бўлимларида, вилоят тиббиёт марказларида режа асосида даволаш профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

ти, зарарли оdatларга тобелиги ва улардан келиб чиққан ҳолда саломатлик ва касалланиш ҳолатларини таҳлил қилган ҳолда уларни 4 та ҳавф гуруҳларига қуйидагича тафсифланади: 1-гуруҳ - 95750 нафар (46 фойз), 2-гуруҳ – 69091 нафар (33.2 фойз), 3-гуруҳ – 40727 нафар (19.6 фойз), 4-гуруҳ – 2555 нафар (1.2 фойз).

Вилоят марказидан узоқда жойлашган Узун, Сарийосиё, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туман аҳолисига ихтисослаштирилган малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Республикада биринчи мартаба туманларда баҳоси 4,5 миллиард сўмлик ангиограф аппарати ва 1 дона МРТ аппарати Денов туман тиббиёт бирлашмасига келтирилди ва ўрнатилди. Бундан ташқари қиймати 3 миллиард сўмлик 10 дона гемодиализ аппарати келтирилиб, шимолӣ ҳудудда жойлашган 5 та тумандаги 98 нафар беморларга гемодиализ хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Туманда коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш ва зарарланган беморларни даволаш мақсадида марказлашган ва мурувват маблағлар ҳисобидан 1 дона ИВЛ, 5 дона “СИ-ПАП”, 8 дона шприцовый насос, 50 дона пульксосксиметр, 25 дона пиромометр 2 дона лорингоскоп, 2 дона портатив рентген аппаратлари, 43 дона кислород концентратор аппаратлари ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Таъкидлашим муҳимки, вилоят миқёсида Б. Гаффоров, К. Юсупов иштирокида Денов туманида илк мартаба 3 нафар бемор коронароангиография текширувидан ўтказилди. Эъти-

сатилаётган бундай хайрли ишлардан хурсанд бўлмоқдалар. *Сабаби, аҳолимиз мураккаб операция жараёнлари учун пойтахт ёки вилоят тиббиёт муассасаларига боришар эди. Эндиликда уларнинг узоғи-яқин бўлиб, иқтисодий ҳолатлари ҳам тежалмоқда, - дейди Денов туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Исмоил Юсупов.*

Искандар Эшмурадов, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг шошилинч жаррохлик бўлими хирург:

– Вазирлигимизнинг ташаббуси билан ўтказилаётган саломатлик акциясида иштирок этар эканман, барча худудлар каби Сурхондарё вилоятининг Денов туман тиббиёт бирлашмасида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларда операция жараёнларини амалга оширдик. Шу жумладан, лапароскопия аппаратида ўт пуфағида тоши ҳамда қорин бўшлиғида эса грижалари бор беморларда операция жараёнлари олиб борилди. Шунингдек, бир қанча кичик турдаги операциялар ҳам амалга оширилди. Албатта, операция жараёнлари каторида хонадонларда ҳам бўлиб, ётоқда бўлган беморлар ҳолидан хабар олинди ва керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Вилоятнинг чекка ҳудуди бўлган Денов туман тиббиёт бирлашмасида беморлар учун старли шароитлар яратилган. Замонавий турдаги тиббий апаратуларлар мавжуд. Айниса, инсон саломатлиги учун муҳим ўрин тутадиган, ангиограф, МРТ ва гемодиализ аппаратлардан аҳоли фойдаланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Холис айтганда, Президентимизнинг бундай оқилона эътиборлари халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ва мамнунлигини оширмоқда.

Ўғилой Мардиева, Денов тумани Боғи Эрам маҳалла фуқароси:

– Кейинги йилларда ўт пуфағимда ўзгариш бўлиб, саломатлигим кундан-кунга оғирлаша бошлади. Аксарият камқонлик ва қандли диабет касаллигим ҳам бор эди. Шифокорларимизга мурожаат қилганимда Сурхондарё вилоят кўп тармоқли марказий шифохонага бориб, ўша ерда ўт пуфағимдаги тошни олиб ташлаш маслаҳатини беришди. Хаёлимга турли фикрлар келди. Биринчидан бу операция пуллик бўлса, иккинчидан вилоятдан анча олисдамиз. Иқтисодий аҳволим ҳам тўғри келмайди. Такдиримга тан берган бир пайтда Давлатимиз раҳбари томонидан биз каби кам таъминланган оилаларга имтиёзлар берилганлиги тўғрисида хабар тарқалди. Маҳалла томонидан “Темир дафтар”га рўйхатга олишганимни айтишди. Бу ҳақда тушунча бе-

(Давоми 6-бетда)



га жуда катта ёрдам бўлди. Энг аҳамиятлиси шундаки, оғир аҳволда бўлган жаррохлик амалиётига муҳтож бўлган, фуқароларимизда Термиз шаҳридаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида мураккаб операция жараёнлари ўтказилди. Шу ўринда айтишим жоизки, айти пайтда, вилоятимизда 13 та Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларининг 8 таси ўз фаолиятини бошлаган. Шунингдек, узоқ туман тиббиёт бирлашмаларида ҳам операция амалиётлари бажарилди. Бу каби эзгу ишлардан мамнун бўлган халқимиз Давлатимиз раҳбари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўзларининг чексиз миннатдорликларини билдиришмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий шифокорларимиз пойтахтимиздан келган малакали мутахассилар билан ўзаро тажриба алмашиб, бой кўникмаларга эга бўлмоқдалар. Шу билан бирга маҳорат дарсларини олиб борилиши ҳам тиббиёт ходимларимизнинг малакасини оширмоқда. Ўйлайманки, ўз нуфузига эга бўлган бундай кенг қамровли саломатлик акциясининг бардавонлиги ўз қимматини йўқотмайди.

Акция давомида Сурхондарё вилоятининг узоқ худудлардан бири бўлган Денов туман тиббиёт бирлашмасида бўлдик. Тўғриси айтганимда, бир неча йиллар олдин ушбу тиббиёт муассасасида бўлганимда, шифо масканининг ташқи ва ички кўринишлари табиати мизни хира қилган эди. Бу сафар эса янгича қиёфа кашф этган мазкур шифохонанинг замон стандартларига мос-



ни ташкил этади. Шифо масканимиз 536 та стационар шифо ўринлари эга. Айти кунда туман аҳолисига 702 нафар врач ва 1401 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатиб келмоқда. 2021 йил март ойида 60 ўринли хирургия, лаборатория, рентген диагностика, қон қуйиш, жаррохлик блоки ва маъмурият биноларини “Сурхон нурафшон” МЧЖ томонидан 11 миллиард 221 миллион маблағ ҳисобига капитал реконструкция қилиш ишлари тугатилиб тўлиқ фаолият юритяпти. Туманимизда жойлашган 1 та станция, 1 та подстанция, 14 та тез тиббий ёрдам ёрдами шаҳобчалари мавжуд бўлиб, уларга керакли дори-дармонлар ва автомашиналар ва асбоб-ускуналар мавжуд ва жиҳозланган. Денов тумани бўйича жами 41698 нафар, жумладан 4412 та тиббиёт ходими, мактаб ўқитувчилари 7784 нафар, МТМ ходимлари 1016 нафар, 65-74 ёшгача аҳоли 7836 нафар, 75-84 ёшгача аҳоли 2182 нафар, 85 ёшдан юқорилар – 961 та, юрак қон томир касалликлари – 8241 нафар, қандли диабет – 910 нафар, сурункали респиратор ўпка касалликлари



Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бўйича Денов туманида 395 097 аҳолидан 352 782 нафар аҳоли (89.фойз) тиббий хатловдан ўтказилиб, Xatlov.uz сайтига киритилди. Катта ёшдаги аҳолининг овқатланиш оdatлари, жисмоний фаоллик ҳола-

рофлиси шундаки, шу кунларда бўлиб ўтган, саломатлик акциясида пойтахтимиз ва вилоятимиздан ташириф буюрган малакали мутахассисларимиз томонидан 78 та маҳалладаги 2 478 та хонадонга таширифлар уюштирилиб 2 483 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Республика ва вилоят марказларидан келган мутахассислар иштирокида 46 та оператив муолажалар ўтказилди. Шунда 31 та юқори технологияли операциялар бажарилди. Халқимиз давлатимиз томонидан кўр-

● Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА ҚАДРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ!



ришди. Хурсанд бўлдим. Бир оз вақт ўтгач, Денов туман тиббиёт бирлашмасида саломатлик акцияси доирасида ташкил қилинган тадбирга мени ҳам таклиф қилишди. Минг шукрки узоғим яқин бўлиб, иқтисодий харажатим тежалди. Шу ерни ўзида пойтахтлик шифокор хирург Искандар Эшмуродов ва Республика шошилини

пойтахтимиздаги клиникаларга йўлладик. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада бўлиб, худуд аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказдик. Аҳамиятлиси шундаки, хатлов ишларининг олиб борилганлиги фаолиятларимизни енгиллаштирди. Айрим фуқароларнинг касаллик ташхиси жиддий



тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали хирурглари томонидан ўт пуфагидаги тош олиб ташланди. Ҳаётимни сақлаб қолган, дардларимга малҳам бўлган Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига, қолаверса, барча шифокорларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Шерзод Мўминов, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси травматолог-шифокори:

– Саломатлик акцияси бўйича Сурхондарё вилоятига ташриф буюрдик. Мен Денов туманида бўлиб, маҳаллий мутахассислар билан биргаликда хонадонларда беморлар саломатлигини текширувдан ўтказдик. Операцияга мухтожларни вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва (Охири. Боши 4 ва 5 бетларда)

бўлганлиги сабабли Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига йўлладик. Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, Давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги учун қабул қилаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатлари ўз ифодасини топаётганлигига амин бўлдим.

Нодира Холматова, Денов тумани, Хайрабод маҳалла фуқароси:

– Бундан 5 йил олдин чап оёғимда кучли оғриқ бўлди. Шифокорлар текширувдан ўтказгач, тезда операция қилиш муҳимлигини айтишди. Хуллас, ташхисим жиддий бўлганлиги сабабли, оёғимнинг сон қисмидан кесиб ташлашди. Шу пайтгача доимий тиббиёт ходимлари назоратида бўлдим. Кейинги бир йил ичида оёғимнинг кесиб

ташланган қисмида оғриқлар безовта қила бошлади. Мана бугун пойтахтимиздан ташриф буюрган травматолог-шифокор Шерзод Мўминовни қабулида бўлдим. Уларнинг менга берган маслаҳат ва пойтахт клиникасига берган йўлланмаси саломатлигимга далда бўлди. Албатта, уларнинг кўрсатган тавсиялари бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, малакали мутахассисларнинг тегишли маслаҳатларини олиб, айниқса, фарзандим учун саломатлигимни тиклашга ҳаракат қиламан.

Гулнора Норчасва, Денов тумани, Нуристон маҳалла фуқароси (Муниранинг онаси):

– Фарзандим Мунира 2002 йилда муддатига етмасдан туғилган эди. У болаликдан ногирон. Шифокорларнинг берган тавсия ва маслаҳатларини бажариб, кези келганда шифохонада даво муолажаларини олдик. Қизимнинг саломатлиги ижобий томонга ўзгара бошлади. Қандайдир вақт ўтиши билан юришга, қўлларини ишлатишга қийналди. Такдиримизга тан бериб, уйда даво муолажаларимизни давом эттира бошладик. Кунларни бирида маҳалла ва поликлиникадан шифокорлар келишиб, бизни “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинганимизни айтишди ва бу ҳақда маълумот беришди. Яқинда эса туманимизда саломатлик акцияси бўлганда пойтахт ва вилоятимиз шифокорлари хонадонимизга келишди. РШТЁИМ нинг Сурхондарё филиалидан ташриф буюрган травматолог-шифокори Фаррух Тўраев ва бир гуруҳ шифокорлар Муниранинг касаллик ташхисини кўргач, пойтахт ва вилоятда реабилитация марказлари борлигини айтиб, у ерда даво муолажалари олинса ижобий натижалар бўлишини айтишди. Ва худуд шифокорларига бу бўйича кўрсатмалар берди. Тўғриси айтганимда фарзандимни тўлиқ даволашим учун иқтисодий кийинчилигим бор эди. Давлатимизга раҳмат. “Аёллар дафтари”га кирганлигимиз қизимни даволаш учун бепул экан. Шундай олий ҳиммат инсонлар борлигидан йўғлаб юбордим. Минг раҳмат сизларга!

Мансурбек Матёқубов, Республика кўз касалликлари клиникаси шифокори:

– Сурхондарё вилоятига ўтказилаётган саломатлик акциясида клиникамиздан тўрт нафар шифокорлар иштирок этдик. Келган кунимиз Термиз туман “Уч қизил кўрғони”нинг 22 та ва Қахрамон маҳалласининг 10 хонадониди бўлди. Асосан хатлов жараёнида рўйхатга олинган беморларни тиббий кўриқдан ўтказдик. Операцияга мухтожларни Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиалига таклиф қилдик. Ундан ташқари ушбу фи-



лиалда замонавий аппаратура бўлганлиги сабабли тиббий текширувларни ташкил қилдик. Кўплаб операцияларни маҳаллий шифокорлар ҳамкорлигида амалга оширдик. Натижалар самарали бўлди.

Улғузи Қурбонова, Термиз тумани, Гулистон маҳалла фуқароси:

– 62 ёшдаман кейинги пайтларда иккала кўзим ҳам хиралаша бошлади. Айниқса, чап кўзим билан яқин масофани ҳам кўришга қийналана бошладим. Мени хавотирга солган бирлам-

эзарди. Бир кун хонадонимизга маҳалла раиси келиб, Президентимизнинг қарори бўйича сизни “Темир дафтар” рўйхатига киритдик. Энди саломатлигингиз бўйича бепул имтиёзга эга бўлдингиз дейишди. Неча кундир ўтиб, вилоятимизда саломатлик акцияси бошланганлигини айтишди. Мени Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз



чи касалликларим қон босими ва полиартрит хасталикларидан борлиги операцияда ўзининг ножўя таъсирини кўрсатишдан кўрқдим. Шунингдек, оилавий шароитим туфайли операция қилдиришга ҳам маблағим етарли эмас эди. Фарзандларим бўлсада, уларнинг ҳам оиласи бор. Охириги пайтларда кўзим кўрмай қолса, деган хавотир қалбимни

филиалига таклиф қилишди. Пойтахтдан келган кўз касалликлари шифокорлари ва ўзимизнинг мутахассислар иштирокида кўзимдаги катарактани олиб ташлашди. Операция муавффақиятли ўтиб, ёруғ дунёни тўлиқ кўра бошладим. Қувончларим чексиз эди. Кўзларимга нур бағишлаган тиббиёт ходимларига ўз мамнунлигимни билдираман.

Биз хизмат сафаримизга яқун ясар эканмиз, “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шиори остидаги хайрли тадбирнинг қанчалик инсонлар саломатлигида муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бир сўз билан айтганда, назоткор қалбларга ҳаёт баҳи этиётган кўп сонли тиббиёт ходимларимизнинг меҳнатини кўриб, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларига тан бердик. Бунинг баробарида эса шифокорлардан мадад кутаётган беморлар ва яқинларининг жовдираб турган кўзларидаги мамнунликни кўриб, Президентимизнинг халқ биздан рози бўлсин деган нурмаъно фикрларида олам-олам маъно мужассамлигини яна бир бор қалбимиздан чуқур ҳис этдик.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суръатлар.

Уруш хотиралари

ЖАСОРАТЛИ КЕЧГАН УМР ЙЎЛЛАРИ



Чехрасидан нур ёзи-
либ турган бу аёл-
ни эл-юрт муаллим си-
фатида танирди. У асли
ўз касбининг устаси, зи-
ёкор, тиниб-тинчимас
халқ хизматкори бўлга-
ни билан, табиатан дил-
каш ҳамшира, беморлар-
нинг дардига даво, яраси-
га малҳам бўлган меҳри-
дарё, фидойи инсонлигини
кўпчилик билмаса керак.

1940–1941 йилларда Низомий номи-
даги Тошкент Давлат педагогика ин-
ститутининг икки йиллик ўқитувчилар
тайёрлаш курсини битирган Мавжуда
уруш бошланганда шаҳардаги 82-ўрта
мактабда рус тилидан дарс берарди.

Урушнинг дастлабки кунлариданок
у ўзини жангчи деб ҳисоблади. Ўз ду-
гоналари билан фронтдан мамлакат ич-
кариси, Тошкентга эвакуация қилинган
госпиталларга бориб, ҳамшираларга қа-
рашар, жангчиларга мактублар ёзиб, ки-
тоблар ўқиб берарди. Дугоналари, ай-
никса, Ўғилой Мусаева билан фронтга
кетамиз, олдинги сафда бўламиз, деб
роса ҳаракат қилди. Аммо туман ҳар-
бий комиссариатида «Хали ёшсиз, ўн
саккизга тўлмагансиз» деб, уларнинг
илтимосини рад этишди. Қизлар мак-
садларига етиш учун Тошкент Давлат
тиббиёт институти қошидаги ҳамши-
ралар тайёрлаш қисқа курсига кириб
ўқишди. 1943 йилнинг мартида гапни
бир жойга қўйган турли миллат вакил-
ларидан ташкил топган 12 нафар тош-
кентлик қизлар Ростов-Дон фронтига
келиб қўшилишди. Мавжуда ҳаракат-
даги кўчма дала госпиталида ҳамшира
бўлиб ишга киришиб кетди.

– 1944 йилнинг май ойи эди, – дея
фронт воқеаларини эсга олган эди
Мавжуда Сандовна. – Аскарлари-
миз Севастополь яқинидаги Сапун
тоғи учун аёвсиз жанглар олиб бори-
шар эди. Душман баланликдаги тоққа
мустаҳкам ўрнашиб олган. Бизнинг қў-
шинларимиз эса қафтдек текис пастлик-
да эдилар. Сал бошини кўтарган одам
кўзга яққол ташланар, душман эса ун-
га дўлдек ўқ ёғдирарди. Мен ҳам ана
шу жанг майдонида ҳали у, ҳали бу
ярадорларнинг олдига бориб яраси-
ни боғлайман. Ўзи юра олмайдигани-
ни опичиб, бир амаллаб судраб, окоп-
га олиб тушаман, кучим етса-етмаси,



Ўзбекистонлик бир гуруҳ собиқ жангчи аёллар

ярадор солинган замбилни кўтаришга
ҳаракат қиламан. Шунинг учун бўлса ке-
рак, зўриққанымдан яқинда бўлган кўри-
чак операциясининг ҳали яхши битмаган
ўрни очилиб кетди. Бунинг устига-устак
оғир ярадор бўлдим, икки ойдан ортик
госпиталда даволанишимга тўғри кел-
ди. Тузалиб яна сафга қайтдим. Бу орада
бизникилар катта қурбонлар эвазига Са-
пун тоғини қўлга киритиб, душманни че-
кантиришди.

**Бир кунни госпитал бошлиғи мени
хузурига чақириб:**

– Докторларнинг айтишича операция-
дан сўнг сизда чандик касали асорати қо-
либди. Бу аҳволда бу ерда хизмат қили-
шингиз қийин. Оғир иш қилолмайсиз.
Шунинг учун фронт ичкарасига кетишга
ҳозирланг, – деди.

Бунга жавобан озгина қизишдим:
– Мен бу ерга жанг қилгани, ярадор

беморларга ёрдам бергани келганман.
Ҳеч қаерга кетмайман.

– Сизга муҳим жанговар топириқ
бор, – деди вазминлик билан госпитал
бошлиғи. – Ана шунга бажариш учун
фронт ичкарасига боришингиз керак.
Аниқроғи, икки ярадор офицернинг би-
рини Симферополь, иккинчисини Тош-
кентгача кузатиб борасиз, қолган гапни у
ерда айтишади.

– «Есть!» – дедим ўнг қўлимни чак-
камга яқинлаштириб, қоматимни ғоздек
тик тутиб. – Жанговар топириқ бўлгач,
бажармай иложим қанча.

Мен Тошкентга кузатиб борадиганим
Сапун тоғидаги шиддатли жангларда ик-
ки кўздан яраланган батальон команди-
рининг ўринбосари, капитан Аҳмаджон
Мухаммаджонов бўлиб, асли Фарғона-
дан, қосонсойлик экан. Унинг иккала кў-
зи ниҳоятда қаттиқ шикастланган, тез
фурсатда мураккаб операция қилишни

кейинчалик умумий ишлар бўйича ба-
тальон командири ёрдамчиси бўлган.
Бу батальон Сапун тоғининг бизники-
лар томонидан қўлга олинмишида жуда
катта жасорат кўрсатган экан.

Ниҳоят, биз Тошкентга келдик. Ака-
демик Филатов капитан Мухаммаджо-
новнинг кўзини синчиклаб текширгач,
уни шу заҳотиёқ госпиталга ётқизиш-
га буйруқ берди ва мени унинг олди-
дан кетмаслигимни алоҳида тайинла-
ди. Мен Аҳмаджон Мухаммаджоновни
операция қилишганда ва унинг опера-
циядан кейинги соғайиш давларида до-
им ёнма-ён бўлиб, қўлимдан келганча
бурчимни бажардим.

Душман отган ўқ Аҳмаджон Мухам-
маджоновнинг ўнг чеккасидан кириб,
кўзини ғўласидан батамом чиқариб
юборган, чап кўзининг пастки қисмида
суякка қадалиб, қайрилиб қолган экан.
Буни менга академикнинг ўзи айтиб,
операция пайтида Мухаммаджонов-
нинг кўздан олган металл парчасини
кўрсатди. Унинг моҳирлик билан қил-
ган операцияси зое кетмади. Мухам-
маджоновнинг чап кўзи бир оз кўради-
ган бўлди.

Тақдирни қарангки, жанг майдонла-
рида, уруш оқибатларини тугатишдаги
ҳамкорлигимиз, ягона мақсад сари да-
дил, самимий интилишимиз бизнинг
оила қуришимизга асос бўлди. Би-
рин-кетин икки ўғил кўрдик, кейинча-
лик келинли, қўша-қўша неварали бўл-
дик.

Аҳмаджон ака кўзи ожизлигига қа-
рамай, тиришқоқлиги, меҳнатсеварли-
ги туфайли сеvimли касбига қайтди.
Фарғонада колхоз раиси, Мирзачўлда
совхоз директори, туман пахтачилик
бўлимнинг бош агрономи бўлиб узоқ
йиллар хизмат қилди. Кўпдан бери ор-
зу қилгани – ғўза ораларига кетмонсиз
ишлов бериш усулини амалга оширди.
Бу унинг меҳнат фронтидаги кўрсатган
жасорати деса бўлади.

Мен ҳам жанговар дўстим, турмуш
ўртоғимдан ортада қолмадим. Фарғона,
Мирзачўл мактабларида ўқитувчилик
қилдим. Кўкун педагогика институти-
ни тугатдим. Халқ олдидаги озми-кўп-
ми хизматим ҳукуматимиз томонидан
муносиб тақдирландим.

**Ҳа, Иккинчи жаҳон уруши қатна-
шчиси, собиқ ҳамшира, эл-юртга та-
ниқли зиёкор, Ўзбекистон Респуб-
ликасида хизмат кўрсатган ўқитувчи
Мавжуда Саидовна Саматова, унинг
оиласи билан хайрлашар эканман,
ҳақиқатан ҳам улар босиб ўтган йўл
жасоратли, ибратли умр эканлигига
амин бўлдим. Кўнглимга урушда қат-
нашган Мавжуда Саидовнага ўхшаш
ҳамшираларга бағишланган шеър
қўйилиб келаверди:**

Изларингиз излайман, унутолмайман сира...

Исмингиз унутганман, қора эди қошингиз,
Зулфингиз эса сунбул, мағрур эди бошингиз,
Ўн саккизми, ўн тўққиз – баҳор эди ёшингиз,
Сизни эслаб шеър битар жанговар сафдошингиз,
Хаёлимда яшайсиз, эй, меҳрибон ҳамшира,
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

Ўт-оловлар ичидан бизни излаб топгансиз,
Гоҳи судраб, опичлаб, «медсанбат»га чопгансиз,
Ертўла, окопларда кўздай асраб боққансиз,
Кўксимизга ҳаётнинг гулларини таққансиз,

Хаёлимда яшайсиз, эй, меҳрибон ҳамшира,
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

Урушининг жароҳати, яраси битмас ҳамон,
Қиргин, деган офатни ер қағри ютмас ҳамон,
Оналарнинг фарёди қулоқдан кетмас ҳамон,
Омон қайтганлар борки, сизни унутмас ҳамон,
Хаёлимда яшайсиз, эй, меҳрибон ҳамшира,
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.


Кўз ўнгимдан кетмайди ёшлик, баҳор фаслингиз,
Ўғил, қизим, неварам эгаллашди касбингиз,
Ўзбекман, дер эдингиз, сўраганда, аслингиз,
Ҳамон доғда Искандар топмай исму жисмингиз,
Хаёлимда яшайсиз, эй, меҳрибон ҳамшира,
Изларингиз излайман, унутолмайман сира.

Искандар РАҲМОН,
Қуролли Кучлар фахрийси,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар
ижодий уюшмалари аъзоси,
Турон Фанлар академияси академиги.

Хотира

СИЗГА ТЕНГ КЕЛОЛМАС ҲЕЧ
КИМСА, ОНАМ...

Волидаи муҳтарамам Насиббахон Акрамова ҳозир ҳаёт бўлганларида 79 ёшни қарши олган бўлар эдилар. Афсуски, шафқатсиз ўлим онажонимизни орамиздан олиб кетди. Қалби меҳрга тўла онажонимиз 50 йил мобайнида халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилдилар. Онажонимиз Ёри Жўраев билан бахтли турмуш кечириб, тўрт фарзандни вояга етказдилар. Онажонимиз ҳаёт бўлмасаларда, қалбимизда мангу яшайдилар.



Онажоним Насиббахон Акрамова хотирасига ушбу шеъримни бағишлайман

Тўққиз ой вужудида бағишлабон жон,
Бу ёруғ дунёга айлаган меҳмон,
Балоғат ёшда ҳам бўлиб меҳрибон,
Менга бу оламни танитган жонам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Бетоб бўлсам тунлар бошимда бедор,
Шифо тилаб Ҳаққа ёлвордингиз зор,
Мени деб гоҳида чекдингиз озор,
Борлигим эдингиз, якка, ягонам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Илк қадамим учун заҳмат ютдингиз,
Қоқилсам қўлимдан маҳкам тутдингиз,
Айб қилсам энг аввал сиз унутдингиз,
Ҳаммаси ёдимда, эсламан шу дам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Бешикка суяниб, айтган аллангиз,
Мен учун энг гўзал, мунис яллангиз,
Бормиди дастимдан ором паллангиз,

Она бўлиб билдим қадрингиз манам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Онаси борларнинг бахти ҳам бутун,
Онаси йўқларнинг кўнгли, бағри хун,
Илло дунёга ҳам бўлмасмиз устун,
Бағрингизда ундим, бахтим ҳам бекам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Фарзанд учун ёниб-ёнган ҳам она,
Фарзанд учун роҳатдан тонган ҳам она,
Онам ҳам эдилар шундай ягона,
Сизсиз дардларимга тополмам малҳам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Бизлардан кўнглингиз хотиржам бўлсин,
Тинч бўлинг, қабрингиз райҳонга тўлсин,
Илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин,
Роббимга етсин бу илтижом, нолам,
Сизга тенг келолмас ҳеч кимса, онам.

Зухра Жўраева,
тиббий фанлари номзоди.

Эхо войны

ПОЕЗДКА ОКАЗАЛАСЬ ПОУЧИТЕЛЬНОЙ

Представители старшего поколения принимают активное участие в патриотическом воспитании, формировании правовой культуры, гражданской осознанности прав, свобод и обязанностей у молодежи.



Накануне Дня памяти и почестей 15 ветеранов, 60 парней и девушек из Кибрайского, Зангиатинского и Ташкентского районов посетили Парк Победы в Ташкенте.

Большой интерес у них вы-

звало оформление парка, выдержанное в стиле военных лет. Здесь обустроены композиции с окопами и блиндажами, полевые кухни и другими элементами. Под открытым небом развернута выставка военной

техники и вооружения. Много интересного и поучительного посетители узнали, побывав в уникальном музее, повествующем о мобилизации населения республики на фронт, его мужестве на полях сражений, самоотверженном труде в тылу.

— Этот парк отражает вклад нашего народа в Великую Победу, — рассказывает начальник отдела ветеранов Ташкентского областного управления по поддержке малолетних и семьи Жалоловдин Насрединов. — Увековечивает героизм наших отцов и дедов в борьбе с фашизмом, является свидетельством нашего огромного уважения к их беспримерному мужеству и отваге. Мы должны воспитывать молодое поколение на этих достойных примерах в духе любви и преданности Родине.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото Даврона АХМАДА.

Мухим янгилик

20 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббий ходимларнинг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармонида кўра, ўрта тиббий ходимлари учун янги иш ўринлари яратилади.

Мазкур ҳужжатда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларида «тиббий бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалар томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш мақсадида ўрта тиббий ходимлари учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан эса яна қўшимча 10 мингта штатлар ажратилиши белгиланган. Яна бир янгилик шуки, 2021 йил 1 июнга қадар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалар эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларнинг янгиланган штат нормативларини тасдиқланади. Шунингдек, Фармонда яна бир муҳим жиҳат — ўрта тиббий ходимларнинг мақомини ошириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. 2021 йил 1 августга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ўрта тиббий ходимлари мақомини ошириш нуктаи назаридан уларнинг малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослик йўналишларини кенгайтириш, лавозимларини, шунингдек, ўқув дастурлари ва режаларини тўлиқ қайта қўриб чиқиш белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, ўрта тиббий ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва уни 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ жорий қилиш кўзда тутилган.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛУВЧИ
ФАОЛИЯТ ТУРИГА АЙЛАНДИ

Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббий ходимларнинг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармонида биноан ҳамширалик иши ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилди.

Фармонга кўра, ҳамширалик иши фаолиятини амалга оширувчиларга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ўрнатилган тартиб билан бир қаторда қуйидаги талаблар қўйилди:

► ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошириши;



► ҳамширалик иши фаолияти билан шугулланаётган шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориши каби талаблар белгиланган.

ЎЗА

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 809 нусха.
Буюртма Г-540

Газета «ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.